ИБН АРАБИЙГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАГАН ҒОЯЛАР СОҲИБИ

(Ҳаким ат-Термизий илмий меросидан)

М.Маматов

Мақолада тасаввуф илмининг асосини ташкил этувчи ваҳдат ул-вужуд таълимоти Ибн Арабий томонидан ўз маънавий устози Ҳаким ат-Термизий муқаддам билдирган ғоялар асосида яратилгани тўғрисида сўз юритилади.

***Калит сўзлар**: ислом, тасаввуф, ваҳдат ул-вужуд, фалсафа, тарих*

В статье выдвинуто положение о том, что “вахдат ул-вуджуд”, составляющий одну из фундаментальных основ суфизма, создан Ибн Араби, опираясь на идеи его духовного учителя Хакима ат-Термизи.

***Ключевые слова:** ислам, суфизм (тасаввуф), вахдат ул-вуджуд, философия, история.*

The article contains information about the fact that the teachings of Ibn Arabiy on ‘vahdat-ul-vujud’ which is considered as the main basis of sufizm was created under the influence of ideas promoted by At-Termiziy – his spiritual leader.

***Key words**: Islam, sufizm, ‘vahdat-ul-vujud’, philosophy, history.*

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналардаги нутқида юртбошимиз И.А.Каримов Ватанимизни оламга танитган машҳур термизликлар қаторида беназир аллома сифатида Ҳаким ат-Термизий бобомизнинг муборак номларини алоҳида ёдга олиб, хизматларини муносиб баҳоладилар [1.312].

Дарҳақиқат, ўз иқтидори, билими, асарлари билан тарихда чуқур из қолдирган буюк аждодимиз ўз даври фанининг кўплаб соҳаларида, жумладан, илоҳиётшунослик борасида ҳам унумли фаолият кўрсатган. Ислом фалсафаси деб аталмиш тасаввуф илмига қўшган ҳиссалари эса, айниқса, бебаҳодир.

Унинг ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ, пухтароқ ўрганиб, халқимизга етказишни ўзлари учун шараф деб билиб, ижтимоий фан вакиллари, олиму адиблар бу мавзуда кўплаб мақола ва рисолалар битганлар [2, 3, 8]. Алишер Навоий ҳам ўзининг машҳур “Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул-футувват” асарида кўп илиқ сўзлар айтиб, унга “машойихи кибординдур” [4.86-87] деб тариф берган. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ислом энциклопедиясида ҳам Ҳаким ат-Термизий тўғрисида умумий маълумотлар берилган [5.392-393; 6.234].

Шунингдек, Ҳаким ат-Термизий тўғрисида чет эл олимлари ҳам қимматли маълумотларни берганлар [7.118-127; 11.306].

Илк ўрта асрлардаги (VIII аср ўрталари – IX аср охири) буюк мутафаккирларимиздан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ат-Термизийни етук донишманд, илм-фаннинг турли соҳаларида машҳур бўлгани учун замондошлари “ал-Ҳаким” деб ардоқлаганлар. Тасаввуф тарихида эса у Ҳакимия тариқати асосчиси сифатида машҳур бўлган. Баъзи мутасаввифлар бу тариқатнинг мукаммаллигини эътироф этиб, уни ҳатто мазҳаб деб ҳам таърифлаганлар [2.29].

Унинг туғилган йили аниқ эмас, тахминан 750-760 йиллар орасида Термиз шаҳрида таниқли муҳаддис оиласида дунёга келган (манбаларда бу сана 50-70 йилгача фарқ қилади). Отасининг изидан бориб, у ҳам ҳадисшунос ва фақиҳ бўлишга тайёрланган. Йигирма етти ёшида ҳаж сафари давомида Куфа, Бағдод, Басрада ҳадислар ўрганиш билан шуғулланган.

Термизий кўп олимлар, фозилу-фузалолар суҳбатида бўлган. Унинг устозлари қаторида У.Увватов 10 кишининг номларини келтиради. Улардан Абу Туроб Нахшабий, Яҳё ибн Жалла, Аҳмад Ҳадравайҳнинг Ҳаким ат-Термизий тарбиясига қўшган хизматлари кўплаб адабиётларда алоҳида қайд этилган. Шунингдек, унинг ўзи ҳам кўп сонли шогирдлар тарбиялаган, айнан ўша шогирдлар саъй-ҳаракатлари билан мутафаккирнинг ижодий мероси, ғоялари бизнинг давримизгача етиб келди, десак, хато бўлмайди. Улардан олтита энг машҳурларининг номларини юқорида зикр этилган манбалардан топиш мумкин [2].

Аллома сермаҳсул олим бўлганлар. Баъзи маълумотларда унинг асарлари 400 та дейилса, бошқаларида саксонта саналади. Улардан олтмишга яқини бизгача етиб келгани аниқланган. “Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар”, “Орифлар овунчоғи ва Аллоҳнинг ягоналигига ишонувчилар бўстони”, “Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”, “Нафс одоби”, ”Касб-ҳунарнинг баёни”, “Яширилган масалалар”, “Муаттилийлар (мўътазилийлар)га раддия

китоби”, “Беркитилган марварид”, “Имон, ислом ва эҳсон масалалари”, “Якка худога эътиқод қилганларнинг завқи”, “Хатм ул-авлиё”, “Илмлар ҳақидаги китоб” ва бошқа асарларнинг номланишиданоқ Термизий ижодининг нақадар серқирралигини, улардаги ғояларнинг ўша давр учун анъанавий ҳисобланган илмий фикрларни қанчалик чуқурлаштирганини, замондош олимлардан қанчалик ўзиб кетганини зийрак ўқувчи яққол ҳис қилиши аниқ.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, устоз У.Уватов ишора қилгандек, “ал-Ҳаким ат-Термизий илмий фаолиятини баҳолашда ўта бир нозик қирра очилаётганга ўхшайди” [2.28].

Тасаввуфда ўз мактабини яратган, Баҳоуддин Нақшбанд эргашган, ибн Арабий ўрганиб, китобларидан кўплаб иқтибослар келтирган илм соҳиби ат-Термизийнинг ғоялари кенг қамровлиги билан ўқувчиларни шунчалик лол қолдирган ва қолдириб келмоқдаки, уни энг буюк кишилар қаторида эъзозлашдан кофирликда айблашгача етган дўсту душманлари ҳозиргача ҳам унинг ижодини таърифлашда муқим бир фикрга кела олмаганлар. Тасаввуфшунос олим А.Д.Книш Термизийнинг фаолиятига юксак баҳо берган бўлса-да, уни сўфийлар қаторига қўша олмай, тасаввуфдан холи мистиклар қаторида таъриф берган [7.118-127]. Бунинг сабабларидан бири мутафаккирнинг диний илмлар билан бир қаторда дунёвий, табиий илмларда ҳам замонасининг пешқадами бўлгани ҳамда қомусий илм соҳибининг ижодида диний, табиий, фалсафий қарашларга, мантиққа бўйсунмайдиган важдий ҳол ҳам қоришиб кетгани, ғоялари тадқиқотчиларнинг сўфийлик тўғрисидаги анъанавий тасаввурларига “сиғмагани” бўлса керак.

Ўз асарларида “Ҳазрати Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи ва саллам барча пайғамбарларнинг улуғи эдилар ва нубувват-пайғамбарлик у зот билан якунланди, муҳрланди” [9, 26] деб таъкидлаган бўлса ҳам, ўша даврнинг баъзи муҳаддислари, фақиҳлари ва мутасаввифлари томонидан билдирилган кўп туҳматлар қаторида уни нубувватликни даъво қилишда ҳам айбладилар [2.14].

Термизийнинг олам яратилиши, мавжудлиги ва ривожланиши тўғрисидаги фикрларида ўша вақтда мусулмон хослари орасида машҳур бўлган навафлотунчилик қарашларни ҳам кузатиш мумкин. Аллоҳнинг борлиги, бирлиги ва ягоналигини, Муҳаммад (с.а.в) Унинг охирги расули эканлигини ўз асарларида қатъий тарзда ҳимоя қила бориб, аллома сўфий сифатида маълум амалларни бажариш натижасида Унга яқинлашиш мумкинлигини таъкидлайди. Бу амаллар мумтоз тасаввуфда барча тариқатларда, бироз фарқлари билан, асосан ўхшаш. Лекин Ҳаким ат-Термизий тавсия қилган манзилдан бештаси ўзгача. Манзиллар Термизийнинг “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” асарида еттита бўлиб, шундай аталади: 1) “тавба манзили”, 2) “дунёда зоҳидлик манзили”, 3) “адоватун нафс”, 4) “муҳаббат манзили”, 5)“Қатъул-ҳаво”, 6) “қўрқув манзили” ва 7) “қурбат манзили” [9.8-18].

Бу мақомларнинг хусусиятлари, талаблари ва аҳамияти ҳақида сўз юритилганда, муаллиф шундай далиллар, Қуръони карим ва ҳадислардан ҳужжатлар келтирадики, улар нафақат ўз даврида, бугунги кунда ҳам баркамол авлод шахсини шакллантириш бўйича жамиятимизда амалга оширилаётган вазифаларни бажаришда ўз долзарблигини асло йўқотгани йўқ. Масалан, шу асарда пайғамбаримизнинг ушбу сўзлари келтирилади: “Банданинг ўз нафсига қарши қилган жиҳоди энг яхши жиҳоддир. Шундан сўнг, Аллоҳ йўлида одамларни эзгуликка буюриш ва ёвузликдан қайтариш – камолотдир” [10.31].

Тасаввуфда, айниқса, унинг ажралмас қисми ваҳдат ул-вужуд таълимотида нур ғоясидан кенг фойдаланилади. Халқ орасида шайх ур-раис деб эъзозланган ибн Сино ҳам фалсафий асарларида Аллоҳ томонидан оламнинг яратилишини Унинг нури билан боғла тушунтиради. Шу вақтнинг ўзида “Ишроқ” деб аталмиш бошқа бир фалсафий мактаб ҳам мавжуд бўлган. Бу мактаб асосчиси Шаҳобиддин Суҳравардий эди. Шайх Суҳравардий кўп йиллик тадқиқот ва изланишлари натижасида барча тирик жонзотлар ёруғликдан пайдо бўлган ва ўзидан нур таратиб, бир-бирларини ёритадилар деган хулосага келди. У бу ўзаро нурланишни “Ишроқ” деб атади. Кейинроқ унинг ўзи ҳам шайхул Ишроқ номини олди. Ишроқ исломнинг бир томондан Қуръон таълимотига асосланган, иккинчи томондан, Афлотун фалсафий мактаби ва навафлотунчиликка бориб тақаладиган энг муҳим назариясидир.

Бу назарияга биноан, бутун борлиқ ёруғликдан иборат, ёруғликдан бошқа борлиқ йўқ. Суҳравардий таълимотига асосан, “нурланиш” борлиқнинг негизи ва у ҳар хил босқичга эга. Нурланиш кучсизроқ ёки кучли бўлади ва олам ёруғликнинг ўзаро нур тарқатишидан бошқа нарса эмас. Шаҳобиддин Суҳравардий одамни ҳам ёруғлик деб атаган ва шунинг ўзи билан одам бошқалар учун керакли, фойдали бўлиши ва бошқаларнинг нури билан ёритилиши ҳам мумкин, деб ҳисоблаган.

“Ишроқ” фалсафасига кўра, биз фақат ўзидан нур тарқатадиган нарсаларнигина кўрамиз. Ортиқча нурланиш кўзга зиён келтириши, ҳатто одамни кўр қилиши мумкин. Суҳравардий Парвардигорни энг олий ёруғлик деб ҳисоблайди. Одам бундай кучли ёруғликни кузата олмайди. Барча нарсалар ёритиш қобилиятини Олий ёруғликдан олади. Шу фалсафий мактаб асосида ёруғликлар орасидаги ўзаро алоқа икки хил ҳолатда: ёмон кўриш ҳолатида ва ошиқлик ҳолатида бўлади. Ёмон кўриш ҳолатида ҳар бир олийроқ нур қуйироқ нур устидан ҳокимлик қилади. Ошиқлик ҳолатида ҳар бир қуйидаги нур олийроқ нурга ошиқ бўлади ва унга бўйсунади [6.215].

Аслида бу фикрни Термизий бир неча юз йил муқаддам айтиб ўтган “Аллоҳнинг азаматлигидан уларга (ҳой-ҳавасдан покланганларга) нур жилва (тажаллий) қилди”; “буларнинг барчаси Аллоҳ нури тажаллийси баракотидан содир бўлган” деган ғоялари ҳам буни тасдиқлайди [9.38].

Маълумки, абадий ягона Аллоҳгина бор деб ҳисобловчи ваҳдат ул-вужуд таълимотига кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассам, моддий олам эса Аллоҳнинг нури, шуъласидир. Ваҳдат ул-вужуд тарафдорлари худо бутун борлиқни яратиб туради, деб билишган. Улар яна ваҳдат аҳли деб ҳам аталганлар.

Бу таълимот асосчиси андалусиялик Муҳиддин ал-Арабий (1165-1240) ўзининг кўплаб машҳур асарларидан бири - “сўфийлик қомуси” деб аталган “Футуҳот ал-маккия” [10] асарини яратишда машҳур мутасаввифлар ва илоҳиётчилар қатори ат-Термизий асарларидан ҳам фойдаланган. (Уларнинг шахсий ҳаётлари ва фаолиятлари, илгари сурган ғояларининг бошқалар томонидан тавсифланишида ҳам ўхшашликларни кузатиш мумкин).

Ватандошимизнинг “Хатм ул-авлиё” асари ҳақидаги маълумотлардан ҳам бизни Муҳйиддин ибн ал-Арабий хабардор қилади. Чунончи ибн ал-Арабий “Футуҳот ал-Маккия” (Макка фатҳлари) [11] китобидаги бир юз эллик беш саволга ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мазкур асарига таянган ҳолда жавоблар берган. Бундан ташқари ибн ал-Арабий “Шарҳ ул-масоил ар-руҳонийя аллатий суила аънҳо ал-Ҳаким ат-Термизий” (Ал-Ҳаким ат-Термизийдан сўралган руҳий масалаларнинг шарҳи) номли махсус асар ҳам яратган.

Булардан маълумки бўладики, буюк аллома ибн ал-Арабий термизлик донишманд ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарлари ва таълимотига алоҳида эътибор берган ҳамда унинг бой илмий-маънавий мероси кейинги авлодларга етиб келишида беқиёс хизматлар қилган [2.26].

Алломанинг пайғамбарлик ва валийлик хусусидаги, айниқса, унинг тасаввуфда валийликнинг муҳим ўрни ҳақидаги қарашлари кейинчалик ислом оламида машҳур бўлган буюк файласуф ибн ал-Арабий томонидан янада ривожлантирилди. Ҳатто ушбу масалага бағишланган қатор асарларида Ибн ал-Арабий ал-Ҳаким ат-Термизий рисолаларидан бутун-бутун саҳифаларни сўзма-сўз кўчириб келтирган ҳоллари ҳам учрайди [2.36].

Чет эллик йирик мутасаввифлардан бири Ж.С.Тримингэм: “Бистомийнинг анча таниқлироқ замондоши ал-Ҳаким ат-Термизий ғоялари уларни ибн ал-Арабий қайта тикламагунча бутунлай ёддан чиқарилган эди” [11.306], - деб таъкидлаши учун етарли асос бор эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ибн Арабийни ваҳдат ул-вужуд таълимотини яратишга руҳан ундаган буюк юртдошимиз Ҳаким ат-Термизий илмий ижоди ҳали тўлиқ ўрганилмаган бир хазина, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, шоирлар, диншунослар учун очилмаган бир олам. Термизийнинг юқорида зикр этилган асарининг таниқли олим Абдулқаҳҳор Шоший томонидан амалга оширилган таржимаси бу оламни ўзлаштиришдаги илк дебоча дейиш мумкин.

Маълум сабабларга кўра, олимнинг асарлари жаҳоннинг кўплаб кутубхоналарида асраб-авайлаб сақланаётганига қарамай, улар билан шуғулланиб, она тилимизга таржима қилиш, таҳлил қилиш ва ўрганиш узоқ вақтлар эътибордан четда қолди. Энди Ватанимизнинг мустақиллиги шарофатидан фойдаланиб, жонажон Ўзбекистонимизда туғилиб-ўсиб, ижод маҳсули билан ўз юртини оламга танитган ватандошимизнинг асарларини излаб топиб, она тилимизга таржима қилиб, ёш авлодни тарбиялашда фойдаланиш, бугунги кунниннг юксак вазифаларини уддалашда мутафаккир илмий меросининг муносиб ўрнини аниқлаб, тадқиқ қилиш пайти келди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жайҳун соҳилидаги боқий шаҳар. Асарлар тўплами, 10-том.- Т.: Ўзбекистон, 2002.- 432 с.
2. Увватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий.- Т.: Маънавият, 2001.- 36 б.
3. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари.- Т.: Шарқ, 2004.- 208 б.
4. Навоий Алишер. Асарлар. 15- том.- Т., 1968.- 534 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.8.- Т., 2004.- 656 б.
6. Ислом. Энциклопедия.- Т., 2004.- 313 б.
7. Кныш А.Д. Мусульманский суфизм.- М.-С.П.: Диля, 2004.- 464 с.
8. Термиз тазкираси./ Мусанниф М.Кенжабек.- Т., 2001.- 192 б.
9. Ҳаким ат-Термизий Абу Абдуллоҳ ибн Али. Манозил ул-ибод мин ал-ибода.- Т.: Movarounnahr, 2003.- 109 б.
10. Ибн ал-Араби. Мекканские откровения.- Санкт Петербург: Петербургское востоковедение,1995.- 288 с.
11. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – София. ИД «Гелиос» М., 2002. – 480 с.

Фарғона давлат университети,
2015 йил 15 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Қамбаров)